

REPLACING THE WORKS OF OUR PRESIDENT SHAVKAT MIRZIYOEV IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY IN OUR COUNTRY

Valieva Sadokat Shokirovna,

5th year student of the Faculty of Pediatrics

Scientific adviser: **Mahmudova Aziza Nugmanovna**

Head of the Department of Social Sciences and Humanities

Samarkand State Medical Institute

Rustamovamaxmudova@bk.ru

Annotation:

In the history of mankind, the emergence of various social units of the state and life has given rise to the hopes and aspirations for a just and prosperous society. Why, for thousands of years, different peoples have strived to create a just and prosperous society, a human community capable of finding all-round opportunities for the realization of human interests and needs

Keywords:

civil society, individual, citizen, state, political parties.

Фуқаролик жамиятини қуришга доир ислохотлар жараёнларидан маълум бўлдики, бу жамият фақат сўнгги даврдаги назарий қарашлар ва тажрибалар асосида эмас, балки бир неча минглаб йиллар мобайнида тўпланган адолатли ва фозил жамият қуриш анъаналари ва тажрибаларидан озиқланиб камол топди. Фуқаролик жамиятининг қисқа давр ичида жаҳондаги барча халқлар орзу-умидига айланишининг бирламчи сабаби, бундай жамият инсон эркинлиги ва фаровонлигини рўёбга чиқариш борасида беқиёс имкониятлар мавжудлиги ҳамда инсонни ўзини-ўзи бошқариш жараёнларида шахснинг ҳаётда тўлиқ намоён эта олиши учун муаян шарт-шароитларнинг борлиги каби қадриятларнинг юксалиши билан боғлиқдир.

Фуқаролик жамияти – шахсларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки улар ўртасидаги ранг-баранг алоқалар, ҳамкорлик, ҳамжихатликнинг ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 16 октябрда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал- демократик партиясининг VIII съезида «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш–халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир» деган маърузасида «Фуқаролик жамияти барпо этиш, юртдошларимизнинг эркинлик ва ташаббусларини, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш келгусида ҳам Ўзбекистон сиёсий тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади» [5, Б.44] деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34 моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар» [3, Б.9] каби фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишни таъминлаб берадиган ҳуқуқий асослари эътироф этилиши республикада жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнида тажрибалари ва синовларидан муваффақиятли ўтган эркинлик жамияти – фуқаролик жамияти сари интилаётганлиги англатади.

«Мамлакатимизда демократик аслохотларни изчил амалга оширишда фуқарлик жамияти институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу боис жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ривожлантириш мақсадида зарур чоралар кўришимиз керак. Бу борада «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини изчил давом эттириш энг устувор вазифалар қаторига киради» [5, Б.58] - деб таъкидлаб ўтган эдилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан халқ ҳомиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги тараққиётнинг янги поғонасида фуқаролик жамияти шаклланишида республикаимизда амалга оширилаётган кенг куламли ислохотларнинг марказида келажак бунёдкори бўлган ёшлар масаласи белгилаб олинган бўлиб давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисини қарийиб 64 фоизини ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этар экан, бу албатта давлатимиз зиммасига улкан маъсулият юклайди. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда» [2].

Дарҳақиқат, ёшлар ҳар қандай давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг объектини ташкил этувчи муҳим ижтимоий қатлами саналади. Чунки бу давлат ривожининг натижаси ва унинг қудрати мамлакатдаги муносиб ворисларининг етишиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш орқали мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида кенг иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли мустақил фуқаролик позисиясига эга, эркин фикрлайдиган интеллектуал салоҳиятли замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида 2016 йил 14 сентябрь куни ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 33 моддадан иборат бўлган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Албатта мазкур Қонун асосида ёшлар сиёсати доирасида кенг куламли чора-тадбирлар амалга оширилган бўлсада, 2017 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқига асос солиниши, 2017 йил 18 июлда эса «Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини такомиллаштирига доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорининг қабул қилиниши мазкур йўналишдаги ишларни Янги босқичга кўтарди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак» [2].

Фуқаролик жамиятининг яна бир кўринишларидан бири юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва эллатлар ўртасидаги тинчлиги, осойишталигини таъминлаш миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга бўлган эътибор натижасида Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек «Мустақиллик йилларида биз эришган энг катта ва бебаҳо бойлик – кўпмиллатли халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик ва синовларини енгишга қодирлигини, унинг замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга дархдорлик туйғуси, жамиятимиздаги ўзаро меҳр оқибат ва жамжихатлик мухитидир» [1, Б.67]. Миллатлараро тотувлик ва

ҳамжиҳатлик муносабатларини уйғунлаштириш Республикамизда барқарор сиёсий муноозатни вужудга келтиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамият қуришда милатлараро тотувликни сақлашга доир юксак инсонпарвар сиёсат, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат, саховат мухитини дунёнинг қўплаб мамлакатлари учун ҳавас қилишга ва намуна бўлишга арзигуликдир. Шу билан бирга Президентимиз Шавкат Мирзиёев айганидек «Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва хушёр бўлишни талаб этмоқда». [5, 138-139 бб.] Шу муносабат билан, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев ўзининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида, «...одамлар, биринчи навтабда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир». [4]

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида ибратли бир ҳикоя келтирилган. Кучлар ижтимоий адолат тимсоли сифатида Семурғ номли қушни излаб узоқ йўлга тушадилар. Уни топиб, қонунни устунвор қилмоқчи, бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тикламоқчи бўладилар. Бу йўлда қийинчилик, заҳматларни бошларидан ўтказадилар. Йўл бўйи уларга бир нарса далда бўлади, ҳам бўлса, дона Худхуд томонидан ҳаёт, фалсафа, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда айтиб берилган ибратли ҳикоялар, ўртада кечган бахс-мунозаралар асносида улар анчайин маърифат касб этадилар. Тафаккурлари бойиб, маданиятлари ўсиб боради ва ниҳоят, ўттиз нафар қуш (форсча: си – ўттиз; мурғ - қуш) – Семурғнинг маконига етиб келиб кўрсаларки Семурғ дегани аслида ўттиз қушдан иборат жамоалар экан.

Худи ана шундай хикмат «Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга мазмун-моҳиятини ҳалқимиз ва ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга». «...ҳалқ давлат идорасига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак» [5, 210-211 бб.] - деб ўқтириб ўтган эдилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Адабиётлар Рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.67.
2. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигини гарови // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганганини 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Тошкент, 2016, 7 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т.: Ўзбекистон, 2012, Б-9.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. XXI ASR, 2017 йил 21 сентябрь.
5. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: Ўзбекистон, 2017, 44, 58, 138-139, 210-211 бетлар.
6. Махмудова А. Н. и др. Медицина Узбекистана-достижения и перспективы развития сферы //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
7. Махмудова А. Н. и др. Роль молодого поколения в формировании современного гражданского общества //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
8. Nugmanovna M. A. The role of social control in the legal socialization of the individual //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 712-721.

9. Makhmudova A. N. Legal socialization problems of personality in modern civilian society //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 3. – С. 146-151.
10. Nugmanovna M. A. Factors and means of the content of legal socialization of the individual in modern civil society Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems
11. Джуракулов Х. А. Роль экологического правового сознания в развитии международных эколого-политических отношений //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2017. – №. 7-1. – С. 23-26.
12. Джуракулов Х. А. Необходимость трансформации экологических правовых знаний при формировании правового сознания молодежи //перспективы развития науки в современном мире. – 2019. – с. 140-146.
13. Djurakulov H. Pedagogic-didactic tasks of forming ecological legal consciousness of young generation //Modern jurisprudence: legal thought and enforcement practice. – 2017. – С. 4-8.
14. Djurakulov H. A. Необходимость согласования социальных и политических методов и средств в формировании экологического правосознания //theoretical & applied science. – 2020. – №. 1. – с. 262-265.
15. Suyunova K.B. // Governmental support of innovation in the sphere of tourism // INNOVATIONS IN ECONOMY №4 (2020), 79 p.
16. Мажидов Ш. Ф. К вопросу об этнокультурной безопасности (на примере Центральной Азии) //Власть в логике и риторике межнациональных и межконфессиональных отношений. – 2017. – С. 78-81.
17. Мажидов Ш. Ф., Саидова Х. Реформы в сфере образования и личность преподавателя //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2007. – Т. 5.
18. Мажидов Ш. Развитие этнокультурных процессов в центральной азии и центральной европе: сравнительный анализ //Общество и этнополитика. – 2015. – С. 352-356.
19. Махмудова А. Н. Правовая социализация молодого поколения в правовом государстве //дистанционные возможности и достижения науки. – 2020. – С. 97.
20. Махмудова А. Н., Ахмеджанова Д. М. Вопросы воспитания гармонично развитой молодежи в воззрениях джадидов и современность //Главный редактор. – 2017. – С. 90.
21. Nugmanovna M. A., Kamariddinovna K. A. Modern biotechnical problems of medicine and their solutions //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 169-173.
22. Salizhonovna S. Y., Ziyodullaevna M. M. Issues of social justice and punishment in temur's structures //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 165-168.